

МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Тулаев Мирзакул Саламович⁴⁷

Инвестициялар – иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар.

Инвестициялар мўлжалланган объектига кўра капитал, инновация ва ижтимоий инвестицияларга бўлинади.

Капитал инвестициялар жумласига асосий фондларни вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Инновация инвестициялари жумласига техника ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Ижтимоий инвестициялар жумласига инсон салоҳиятини, малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек номоддий неъматларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Молиявий инвестициялар - хўжалик юритувчи субъект тасарруфидаги даромад олишга (фоиз, роялти, дивиденд ва ижара ҳақи шаклида) мўлжалланган, инвестиция қилинган сармоя қийматининг ортиши ёки инвестиция қилувчи компания бошқа наф олиш учун фойдаланадиган активлар.

Қисқа муддатли (жорий) инвестициялар - операция муддати 12 ойдан ошмайдиган осон реализация қилинадиган инвестициялар.

Узоқ муддатли инвестициялар - қисқа муддатли (жорий) инвестициядан ташқари барча инвестициялар.

Инвестицияларни баҳолаш бухгалтерия ҳисобининг «Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш» деб номланган 12-сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти асосида амалга оширилади.

Молиявий инвестицияларни харид қилиш чоғида улар харид қиймати бўйича баҳоланади ва бу қийматга брокерлар хизмати учун тўланган ҳақ, банк хизмати учун тўловлар, божлар ва бошқа харажатлар киритилади.

⁴⁷ Халқаро Нордик университети доценти, (orcid.0000-0002-0612-5635)

Агар инвестиция акцияларни эмиссия қилиш ёки бошқа қимматли қоғозлар чиқариш йўли билан тўлалигича ёки қисман олинаётган бўлса, у ҳолда харид қиймати чиқарилган қимматли қоғозларнинг жорий қийматига тенг бўлади, яъни қимматли қоғозларнинг номинал қийматига тенг бўлмайди. Агар инвестиция бошқа активга алмаштириб тўла ёки қисман олинган бўлса, у ҳолда инвестиция қиймати топширилган активнинг жорий қийматига қараб аниқланади.

Молиявий инвестицияларни олинган пайтгача бўлган давр учун фоизлар улуши, ҳисобланган дивидендларни ўз ичига олган харид қиймати бўйича харид қилиш харидор томонидан сотувчига тўланган фоизлар миқдорини чиқариб ташлаб, харид қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Инвестицияларнинг харид қиймати билан қарзга берилган қимматли қоғозларни тўлаш қиймати ўртасидаги тафовут (дисконт ёки харид қилиш чоғида мукофот тарзида берилган маблағ) инвестор томонидан инвестициялар бўйича доимий даромад бўлиши учун харид қилинган пайтдан бошлаб қарз тўланган пайтгача ҳисобдан ўчирилади.

Қисқа муддатли (жорий) активлар сифатида тасниф қилинган инвестициялар бухгалтерия балансида:

1. Бозор қиймати;
2. Харид қиймати ва бозор қиймати каби икки қийматнинг энг ками бўйича ҳисобга олинади.

Агар қисқа муддатли молиявий инвестициялар харид ва бозор қийматларидан энг кам баҳоланиш бўйича ҳисобга олинган бўлса, балансдаги қиймати умуман барча инвестициялар қиймати асосида ёки инвестициялар турлари бўйича ёхуд алоҳида инвестициялар асосида аниқланади.

Қисқа муддатли инвестициялар бозор қийматининг ўзгаришидан келадиган даромад ёки зарар шу даромад ёки зарар содир бўлган ҳисобот даврида тан олинади.

Узоқ муддатли активлар сифатида тасниф этилган инвестициялар бухгалтерия балансида:

1. Харид қиймати бўйича;
2. Қайта баҳолашни ҳисобга олган қиймат бўйича;
3. Харид қиймати ва бозор қийматининг умумий инвестициялар усули бўйича аниқланган энг кам баҳоси бўйича ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қайта баҳолаш учун қайта баҳолашнинг амалга ошириш даврийлигини, шу жумладан узоқ муддатли инвестициялар тоифаларини аниқлаш зарур.

Баланс қийматининг вақтинча пасайишини истисно этган ҳолда инвестициялар қиймати камайган тақдирда барча узоқ муддатли инвестицияларнинг баланс қиймати камайтиради. Бундан камайтириш ҳар бир молиявий қўйилма бўйича аниқланади ва тайёрланади.

Узоқ муддатли инвестициялар харид қиймати бўйича ҳисобга олинади. Узоқ муддатли инвестицияларнинг қиймати муқаррар камайиб борган тақдирда бу инвестицияларнинг баланс қиймати ҳар бир инвестиция бўйича алоҳида камайтирилиши лозим. Бундай ҳолларда хатарнинг турлари, инвестиция қилинаётган субъектда инвесторнинг улуши эътиборга олинади.

Узоқ муддатли инвестициялар баланс қийматининг вақтинча пасайиши ҳисобда акс эттирилмайди.

Қисқа муддатли (жорий) инвестицияларни бозор қиймати бўйича ҳисобга олувчи хўжалик юритувчи субъект ҳисоб сиёсатида инвестициялар баланс қийматининг камайиши ёки кўпайишини қуйидагича акс эттиради:

1. Даромад ёки харажат сифатида;
2. Узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қайта баҳолаш натижасида пайдо бўлган қўшимча баҳолаш миқдори ўз сармоясига қайта баҳолашдан келган даромад сифатида қўшилади.

Молиявий инвестициялар қиймати камайган тақдирда камайтириш ўз сармоясида (хусусий капитал) акс эттирилган ўша инвестицияларни баҳолаш қиймати ҳисобидан амалга оширилади. Агар молиявий инвестициялар қийматини камайтириш миқдори қайта баҳолашдан олинган даромад миқдоридан кўп бўлса, бу тафовут харажат сифатида ҳисобга олинади лозим. Қиймати пасайтирилган инвестицияларни қўшимча баҳолаш миқдори шу инвестициялардан келган зарар қоплангандан сўнг ўз сармояси (хусусий капитал) кўпайишига киритилади.

Қарз қимматли қоғозларга инвестицияларнинг ҳисоби учта катта гуруҳга бўлинади:

1) *Қопланиш муддатигача ушлаб туриладиган* – корхона қопланиш муддати етиб келмагунча ушлаб туришни назарда тутган ёки ушлаб турган қимматли қоғозлардир.

2) *Савдо-сотиққа оид* – асосан яқин келажакда нархдаги қисқа муддатли фарқдан даромадни олиш мақсадида сотиш учун сотиб олинган ва сақлаб туриладиганлар.

3) *Қайта сотиш учун мавжуд бўлган* – ушбу туркумга биринчи иккита

туркумга киритилмаган қарздорликка оид қимматли қоғозлар киритилади.

Агар корхона қимматли қоғозни номаълум давргача ушлаб туришни мўлжалласа, у қопланиш муддатигача ушлаб турадиган деб туркумланиши мумкин эмас.

Облигациялар ва шу каби қимматли қоғозлар инвестор томонидан балансда активлар ҳисобварағида олиш билан боғлиқ барча харажатларни ҳисобга олган ҳолда сотиб олиш қиймати бўйича акс эттиралади. Агар сотиб олиш қиймати номинал қиймат (тўлаш қиймати)дан фарқ қилса, у ҳолда сотиб олиш қиймати ва номинал қиймати орасидаги фарқ (устама ёки чегирма) суммаси, облигациялар чиқарилган муддат давомида ҳисобдан чиқарилади. Устаманинг ҳисобдан чиқарилиши қисқа ва узоқ муддатли инвестициялар счётларнинг кредитланиши билан, чегирмалар эса ушбу счётларнинг дебетланиши билан амалга оширилади, чунки облигацияларнинг тўланиш давригача уларнинг баланс қиймати номинал қийматга тўғри келиши керак. Облигациялар бўйича устамалар ва чегирмаларнинг ҳисобдан чиқарилишининг даврийлиги улар бўйича ҳисобланган фоиз даромадларининг даврийлигига мос келади. Берилган ҳисобот даврида ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган чегирма, устама суммалари фоиз даромади ёки харажати деб таърифланади.

Улушга оид қимматли қоғозлар бу корхоналарнинг устав капиталидаги улушни тасдиқловчи оддий ва имтиёзли акциялар тушунилади.

МҲХСга мувофиқ бир корхонанинг бошқа корхонага қилинган инвестициялари инвестицияланадиган корхонада инвестор эга бўлган овозга эга акциялар фоизига боғлиқ ҳолда туркумланади:

1. 20 %гача эга бўлган улуш (қиймат усули) – инвестор пассив улушга эга.
2. 20 %дан 50 %гача эга бўлган улуш (улушда қатнашиш усули) – инвестор аҳамиятли таъсирга эга.
3. 50 %дан юқори бўлган улуш (умумлашган ҳисобот) – инвестор акцияларни назорат тўпламига эга.

Уюшган корхона – инвесторнинг шўъба корхонаси ҳам, қўшма корхонаси ҳам бўлмаган, аммо инвестор учун аҳамиятли улушга эга бўлган корхонадир.

Аҳамиятли таъсир – бошқарув сиёсатида назоратга эга бўлмаган ҳолда инвесторнинг инвестиция қилинган корхонасида молиявий ва ишлаб чиқариш сиёсати бўйича қарорларни қабул қилишда иштирок этишга жиддий таъсирга эга бўлади.

Агар инвестор бевосита ёки билвосита ўз шўъба корхоналари орқали инвестиция қилинган корхонада 20% ёки ундан кўпроқ фоиз овозга эга бўлса, *инвестор аҳамиятли таъсирга* эга деб тушунилади.

Бу усулда инвестиция бухгалтерия ҳисобида дастлаб жорий қийматда акс эттирилади, сотиб олиш санасидан кейин инвесторнинг улуши инвестиция қилинган корхонанинг фойда ёки зарарларида инвесторнинг улуши кўпайиш ёки камайишини тан олади. Инвестиция қилинган корхонадан олинган маблағлар инвестициянинг жорий қийматини камайтиради.

Агар инвестор бевосита ёки билвосита ўз шўъба корхоналари орқали инвестиция қилинган корхонадан 20% фоиздан кам овозга эга бўлса, *инвестор аҳамиятли таъсирга* эга эмас деб тушунилади.

Бундай ҳолатда инвестицияларни ҳисоби *қиймат усулида* олиб борилади. Ушбу усулни қўллаганда инвестор бошқа корхонага қилган ўз инвестициясини жорий қиймати бўйича олиб боради. Инвестор инвестициядан даромадни инвестиция қилинган корхонанинг жамғарилган соф фойдасидан сотиб олинган кунидан кейин юзага келган қисмидан тушган тўловларни олган захоти тан олади. Бундай фойдадан ортиқча олинган тўловлар инвестицияларни қайтиши сифатида кўрилади.

Инвестицияларни сотиш чоғида сотишдан тушган маблағ билан баланс қиймати ўртасидаги тафовут харажатлар (брокер ёки дилер хизмати ҳақи) чиқариб ташлангандан сўнг даромад ёки харажат сифатида эътироф этилади.

Агар қисқа муддатли молиявий инвестициялар балансда харид қиймати ёки бозор қийматидан иборат икки қийматнинг энг ками бўйича ҳисобга олинган бўлса, уларни сотиш чоғида даромад ёки зарар сотиш нархи билан харид нархи ўртасида тафовут сифатида аниқланади.

Агар инвестиция илгари қайта баҳоланган ёки бозор қиймати бўйича ҳисобга олинган, баланс қиймати эса кўшимча баҳолаш қийматини ҳисобга олган ҳолда кўпайтирилган бўлса, хўжалик юритувчи субъект ҳисоб сиёсатини тасдиқлаши ёки кўшимча баҳолашдан келадиган миқдорни даромадни кредитлаши ёхуд уни тақсимланмаган фойда ҳисобига ўтказиши лозим.

Узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қисқа муддатли (жорий) инвестицияларга ўтказиш икки қийматдан энг ками бўйича: харид қиймати билан баланс қийматининг энг ками бўйича, агар қисқа муддатли молиявий инвестициялар икки қийматнинг энг ками бўйича ҳисобга олинадиган бўлса: харид қиймати билан бозор қийматининг энг ками бўйича амалга оширилади.

Узоқ муддатли молиявий инвестициялар илгари қайта баҳоланган бўлса, уларни қисқа муддатли (жорий) инвестициялар тоифасига ўтказиш чоғида ва бу қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестициялар бозор қиймати бўйича

хисобга олинган бўлса, қайта баҳолаш қиймати баланс қийматидан чиқариб ташланиши керак.

Агар қисқа муддатли инвестициялар бозор қийматидаги ўзгариш даромадга киритиладиган бўлса, қўшимча баҳолашнинг қолган ҳар қандай миқдори даромадга ўтказилиши керак.

Қисқа муддатли молиявий инвестицияларни узоқ муддатли молиявий инвестициялар тоифасига ўтказиш харид қилиш қиймати ва бозор қийматидан энг ками бўйича ёки агар инвестиция илгари шу қиймат бўйича ҳисобга олинган бўлса, бозор қиймати бўйича амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Tulayev, M. S., & Qlichev, B. P. (2022). Moliyaviy hisob. (Darslik). T.: *“Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi*, 510.
2. Тулаев, М. (2021). Разработка методики определения уровня существенности в аудите. *Экономика и инновационные технологии*, (5), 52-60.
3. Тулаев, М. С. (2023). Ижара олинган асосий воситалар ҳисоби—молиявий фаолиятни молиялаштириш манбаси. *образование наука и инновационные идеи в мире*, 13(7), 3-15.
4. Тулаев, М. (2021). Аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувини ташкил қилиш масалалари. *Архив научных исследований*, 1(1).
5. Тулаев, М. С. (2022). Молиявий инвестициялар ҳисоби амалиётини такомиллаштириш. *Архив научных исследований*, 2(1).

YASHIL INVESTITSİYALAR — QISHLOQ XO‘JALIGINING BARQAROR RIVOJLANISHI ASOSI: XORIJ TAJRIBALARI VA O‘ZBEKISTON IMKONIYATLARI

*Shodiyeva Zarinnabonu Shodi qizi*⁴⁸

Yashil investitsiyalar — ekologik barqarorlikni ta’minlash va iqtisodiy o’sishni rag‘batlantirish uchun muhim vosita. Qishloq xo‘jaligi va energetika sohalarida amalga oshirilgan yashil investitsiyalar, nafaqat atrof-muhitni muhofaza qilishga, balki global iqlim o‘zgarishiga qarshi kurashishga ham xizmat qilmoqda. Xorij davlatlarining muvaffaqiyatli tajribalari, bu investitsiyalarning ekologik va iqtisodiy foydasini isbotlamoqda. Ushbu tezisda, xorij davlatlarining yashil investitsiyalarni qo‘llashdagi muvaffaqiyatli tajribalari keltiriladi va ularning qishloq xo‘jaligiga ta’siri tahlil qilinadi. O‘zbekistonning yashil investitsiyalarni

⁴⁸ Mustaqil tadqiqotchi